
Навбатдаги сессия 29 январ санасига белгиланди Олтинчи чақириқ халқ депутатлари Бағдод тумани Кенгашининг навбатдаги 62 сессиясини 29 январь куни, соат 15:00 да туман ҳокимлигининг мажлислар залида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди
Сессия кун тартибига:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бағдод тумани Халқ қабулхонаси мудирини Ф.Очилдиевнинг 2023-йил 12 ойи давомида Бағдод туманида ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар ва ҳудуддаги ташкилотлар раҳбарлари фаолияти, муурожаатлар билан ишлаш ҳолати юзасидан ахбороти;

Бағдод туманида ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сектор раҳбарларининг 2024-йилнинг 1-чорагига мўлжалланган йўл харитасини тасдиқлаш тўғрисида.;

Бағдод тумани Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими томонидан 2024 йилда янги иш ўринларини яратиш ҳамда Бандлик дастурини тасдиқлаш тўғрисида;

Бағдод туман Ички ишлар бошлиғининг ўринбосари-жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғининг 12 ойи давомида туманда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликга қарши кураш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи;

Мажбурий ижро Бағдод тумани бўлимининг 2023-йил 12 ойи давомида фаолияти юзасидан ахбороти;

Бағдод тумани маҳаллий бюджетининг 2023-йил 4-чорак сарфланган харажатлар ҳамда 2023-йил 4-чорагида жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилган маблағлар сарфланиши тўғрисида;

Фарғона вилояти Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси Бағдод тумани инспекцияси томонидан 2023-йил 12 ойи давомида амалга оширилган ишлар юзасидан инспекция бошлиғи Т.Бекназаровнинг ҳисоботи;

Ерга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлари тўлиқ бўлмаган, ҳужжатдаги ва амалдаги майдони бир-биридан фарқ қиладиган, доимий фойдаланиш учун ажратилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш бўйича маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамда соҳага дахлдор ташкилотлардан иборат ишчи гуруҳ таркибини тасдиқлаш тўғрисида.

Сессия ишига маҳаллий Кенгаш депутатлари, туман сектор раҳбарлари, тумандаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф қилинган.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.
2024-01-25 20:06:06